



**«Конфессиялараро мулоқот
ва диний бағрикенглик –
жамият барқарорлиги гарови»**

**«Межконфессиональный диалог
и религиозная толерантность –
гарантия стабильности общества»**

**"Interconfessional dialogue
and religious tolerance –
guarantee of stability in society"**



МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Предисловие	4
Preface.....	5
1-ШЎЪБА. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА КОНФЕССИЯЛАРАРО МУЛОҚОТНИНГ АҲАМИЯТИ	
О.Юсупов. Узбекистан - толерантная страна.....	6
М.Аҳмеджанов. Узбекистан: особенности осуществления процессов демократизации межконфессиональных отношений.....	9
К.Камилов. Толерантность – основной принцип межконфессиональных отношений в Узбекистане.....	13
Krista Pikkat. Promoting peace through inter-cultural and -religious dialogue.....	16
А.Хасанов, Д.Рахимджанов. Узбекистан – традиционный край толерантности.....	19
Э.Ибрагимов. Некоторые аспекты подхода к предмету религиоведения западно-европейских и северо-американских ученых	21
N.Alimova. The role of the organization of islamic cooperation in solving current problems of islamic world.....	24
Р.Мухаметшин. Исламский фактор в межконфессиональном диалоге в России: исторический опыт и современность.....	28
С.Прозоров. Многообразие форм бытования ислама как историческая основа веротерпимости в современном многоконфессиональном обществе.....	33
Ш.Зиёдов. Диний соҳа хизматчиларининг бағрикенглик маданиятини юксалтиришда Имом Бухорий халқаро марказининг ўрни.....	35
О.Рўзиев, Н.Қодирова, А.Машрабов. Глобаллашув ва ахборот технологиялари.....	38
М.Каримова, А.Машрабов, А.Алимардонов. Динлараро таъсирнинг глобаллашуви.....	42
Э.Каримова. Глобаллашув шароитида толерантликнинг аҳамияти	47
Р.Джураева. Глобаллашув шароитида маънавий-маърифий ва диний соҳаларнинг информацион асослари.....	49
А.Абдухалилов. Методы разрешения этнических конфликтов в процессе общественного управления.....	53
М.Исмоилов, А.Хакимов. Глобаллашув шароитида диний бағрикенглик омили.....	55
Ж.Мавлонов. Социально-философские основы толерантности в контексте гражданского общества.....	57
М.Сапаров. Таълим тизимида дин психологиясининг ўрни ва вазифаси.....	59
Ф.Каримов. Яқин Шарқ минтақавий хавфсизлигини таъминлашда этноконфессионал муносабатларнинг ўрни	62
Д.Пирматов. Религия и религиозная толерантность в эпоху глобализации	65
Е.Смагулов. Межрелигиозный диалог на постсоветском пространстве: приоритеты и перспективы	67
Р.Камарова. Основные подходы и методологические установки к формированию	

ЯҚИН ШАРҚ МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЭТНОКОНФЕССИОНАЛ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Ф.Каримов,

катта илмий ходим-изланувчи,

ТошДШИ,

Ўзбекистон

Резюме: В статье предпринята попытка рассмотреть роли этноконфессиональных отношений в обеспечении региональной стабильности и безопасности Ближнего Востока, которая является одним из важнейших проблем современной науки. Рассмотрены структура и классификация, участники и действующие силы, цели и формы этнических отношений и конфликты в регионе.

Resume: The paper attempts to examine the role of ethnic and religious relations in ensuring regional stability and security in the Middle East, which is one of the most important problems of modern science. The structure and classification of the participants and the acting forces, objectives and forms of ethnic relations and conflicts in the region.

Бугунги кунга келиб Яқин Шарқ минтақаси давлатларидаги энг мураккаб масалалар орасида уларнинг ўз жамиятлари ва ундаги этник камчиликлар ҳуқуқларини тўла таъминлай оладиган кучли давлат сифатида шакланмагани бўлиб қолмоқда. Ушбу давлатлар турли мураккаб этник ва диний гуруҳларга эга кўп миллатли давлат сифатида уларнинг жамиятдаги сиёсий мувозанатини таъминлаш масалалари юзасидан жиддий муаммолар қуршовида қолиб келмоқда. Турли этник ва диний-этник гуруҳларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини кафолатлаш йўлида минтақанинг деярли ҳар қайси давлати давлат қурилишининг турлича лойиҳа ва шакллари қўллаб келмоқда.

Маълумки, Яқин Шарқни Ғарб тадқиқотчилари "Middle East" атамаси билан номлаб, унинг таркибига анъанавий равишда Исроил, Фаластин, Сурия, Ливан, Иордания, Миср, Туркия ва Форс кўрфази араб давлатлари киради¹. Минтақа узоқ тарихга эга ва инсон цивилизациясида катта ўрин тутиб, турли маданиятларни ўзида қамраб олади ва шакллантиради. Минтақада Рим империяси, Араб халифалиги ва Усмонли туркларнинг олиб борган диний, сиёсий ислохотлари аҳолининг эътиқоди, физиологияси ва турмуш тарзи ўзига хос тарзда, бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланиб келди.

XIX аср охирларига келиб, Яқин Шарқ минтақасида ҳукмронлик қилаётган Усмонли турклар империяси кучсизлана бошлади. Бу даврда эса ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий салоҳияти ривожланаётган Ғарб давлатлари аста-секин мазкур минтақадаги у ёки бу этник гуруҳ ва қавмларга ўз манфаатлари йўлида ҳомийлик қилишга қаратилган ҳаракатларини кучайтириши кузатилади. Натижада, биринчи ва иккинчи жаҳон урушидан сўнг минтақада ўнлаб давлатларнинг шаклланиши бошланди. Шу ҳисобда, Франция христиан маронитларини (Ливанда), араб мусулмон суннийларни (Ҳошимийлар – Иордания ва Жазоирда), Буюк Британия мусулмон друзларни (Сурия ва Мавританияда) ва мусулмон суннийларни (Форс кўрфази араб давлатларида: қабиласига кўра улар ҳам бўлинади), Россия араб христиан ортодоксларини (Сурия ва Ливан ҳудудини ҳам қамраб олган) ҳамда АКШ яҳудийларни (Исроил) қўллаб-қувватлаши минтақа этник гуруҳларининг бир-бирига боғлиқ бўлган қадриятларининг узилишига ва кейинчалик мислсиз баҳс-мунозара ва низоларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Тарихан шакланган мазкур ҳудуддаги этник муносабатлар кўп жихатдан узоқ йиллар давомида ташқи кучлар, яъни буюк давлатларнинг бевосита ва билвосита таъсири доирасида

¹ Баъзи адабиётларда ушбу минтақага Ироқ, Эрон давлатлари ҳам киритилади.

энгитдан шаклланди. Яқин Шарқ минтақасида “янги” давлатларнинг юзага келиш жараёни¹ ва улар ўртасида қайсидир этник гуруҳлар яшайдиган ҳудудларнинг бўлиниб олиниши натижасида минтақа аҳолисини бир нечта давлат чегараларида қолиб кетиши минтақа аҳолисининг этник кўпчилиги ва камчилиги таркибида шаклланишига олиб келди.

Бунинг оқибатида, Туркияда (турк кўпчилиги курд камчилиги устидан ҳукмрон мавқега эга бўлди), Сурияда (шиа мазҳабига алоқадор алавийлар камчилиги бошчилигида ҳокимиятга интилиш кучайди) ва Ироқда (сунний-араб камчилиги шиа-араблар ва сунний-курдлар устидан ҳукмронлик қилишига эришиш) диний-этник камчилик ва кўпчиликлар ўз мавқеларини мустаҳкамлашга ва шунингдек устун бўлган ҳукмрон элита билан муносабатларида² ўз манфаатларини кенгайтиришга интилишлари кучайди. Бу ҳолат ўз ўрнида турли давлатларнинг хавфсизлик масалаларини бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолатига олиб келди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Яқин Шарқ давлатлари сиёсий элиталари ўзини кўпроқ “миллат” вакили эмас, балки бевосита ўз гуруҳининг вакили сифатида кўришга интилиши, шу гуруҳ манфаатлари йўлида сиёсий курашлар бошланишига олиб келди. Охир-оқибат бу уларнинг нафақат мамлакат ичидаги, балки унинг ташқарисидаги этник гуруҳларнинг тақдири ҳақида қайғуришига бўлган ҳаракатларни кучайтирди. Бунинг оқибатида минтақанинг айрим давлатларидаги мавжуд сиёсий ҳокимият тизимида ундаги барча этник гуруҳлар манфаатларининг номуносиватлиги ва ҳисобга олинмаганлиги сабабли, мамлакат миқёсида ҳукумат легитимлигини тўлиқ тан олинмаслигига олиб келди³. Мазкур ҳолат минтақанинг деярли аксарият давлатларида турли варақозлик, низо ва зиддиятларни келтириб чиқарувчи асосий омилга айланди.

1945 йилдан буён дунёда юзага келган барча ихтилофларнинг 25 фоизи дунё умумий аҳолисининг 8–10 фоизига эга Яқин Шарқдаги араб мамлакатларида содир бўлган. Ушбу ихтилофларнинг кўпчилигини асосан этник можаролар ташкил этади. Инсонларнинг қурбон бўлиши ва моддий йўқотишлари давлатлараро ҳамда этник қуролли можаролар ўртасидаги тенгликни акс эттиради. Масалан, агар араб-исроил можароси (олтита уруш ҳамда Фаластин ва Ливан томонидан давом этаётган Исроил оккупациясига қарши кураш) қирқ йил мобайнида 200 минг инсонларнинг ўлимига сабабчи бўлса, Ливан фуқаролик урушининг (1975–1990) ўзи эса араб-исроил уруши мобайнидаги барча қурбонлари сонига (яъни 200 мингга яқин) тўғри келади. Этник можароларнинг салбий кўринишлари Шимолий Африкадаги араб давлатларида ҳам рўй берди. Жумладан, биргина Судандаги фуқаролик уруши (1956 йилдан ҳозиргача) араб-исроил урушларидаги йўқотишлардан кўра, камида беш маротабага кўп инсонлар ўлимига сабаб бўлди⁴. Шунинг билан бирга, ушбу ҳолат кўплаб йўқотишларга, қочоқлар сони ошишига, моддий йўқотишларга ва молиявий зарарларга олиб келди.

Тадқиқотларга кўра, 1990-йилларда кузатилган Яқин Шарқ минтақасидаги давлатлараро ихтилофлардан кўра давлатларнинг ичидаги этник ва диний конфессионал урушлар кўп бўлганини кўрсатади. Ҳарбийлашган Ислоҳ ҳаракати ҳам Яқин Шарқ араб мамлакатларида кузатилаётган юқорида таъкидлаб ўтилган қуролли фуқаролик тўқнашувларининг бир қиринишидир⁵. Бу борада Жазоир, Сурия, Ироқ ҳамда Миср ҳозирги кунда энг кўзга ташланадиган ҳисоллардан ҳисобланади. Шу боисдан ҳам, минтақа давлатларининг хавфсизлигига ҳозирги кунда энг асосий таҳдид сифатида ички таҳдид деб асосланга тирилмоқда.

Этник можаролар ичида Ямандаги 1994 йилги фуқаролар уруши юқоридаги зиддиятларнинг фожиали кўриниши бўлди. Ихтилофларнинг мафкуравий ва минтақавий кўринишлари асосан сектариан бўлинишлар билан боғлиқ бўлган – хусусан Шейфи суннийлари, уларга асосан социалистик йўналишга эга мамлакатнинг жанубдаги элита қатламлари қиради ва шунингдек,

¹ Alhamad, Laila “Formal and Informal Venues of Engagement”, in Ellen Lust-Okar and Saloua Zerhouni, eds., *Political Participation in the Middle East*, Boulder, Col.: Lynne Rienner, 2008. – PP. 33–47.

² Enloe C. *Ethnic Soldiers. State Security in Divided Societies*, Athens: the University of Georgia Press, 1980.

³ Swain A., Ojendal J., Schulz M. *Security in the Middle East – Increasingly Multidimensional and Challenging, A Study Commissioned by the Strategic Perspective Project within the Swedish Armed Forces Headquarters*, Stockholm, August 2009. – PP. 26–27.

⁴ Saas Eddin Ibrahim *Sects, Ethnicity and Minority Groups in the Arab World* (1994) (in Arabic), Cairo: Ibn Khaldoun Center. – pp.15–18, and pp. 225–290, pp.323–369, and pp.601–629.

⁵ Ibid., pp. 725–749.

Зайди шиа фирқаларига мансуб бўлган Ғарб қабилавий элитасини кўрсатиб ўтиш мумкин. Яқин Шарқдаги ҳар бир қуроли ички ихтилофлар билан манипуляция қилиш, шунингдек, уларнинг тарқалувчанлик эффекти албатта, давлатлараро можароларга ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

Ўтган асрнинг 90-йилларида амалга оширилган тадқиқотларга кўра Араб дунёси аҳолисининг мутлақ кўпчилигини ташкил қилувчи қисми (80 фоиз яъни 190 млн.) бир хил физиологик хусусиятларга эга. Диний жиҳатдан улар мусулмон бўлиб, кўпчилиги суннийлар ҳисобланади. Маданий ҳамда лингвистик жиҳатдан улар араб тилида сўзлашади. Миллий келиб чиқиши нуқтаи назаридан, улар кўп асрлар мобайнида “Араблар Ватани” (Атлантик океанида Марокашдан тортиб Араб Форс кўрфазидаги Баҳрайнгача чўзилган) ҳудудларида яшаб келмоқда. Ушбу Араб дунёсида яшовчи кўплаб шиа мусулмонлари ҳамда христианлар ўзларини “шиачилик” ёки “христианлигидан” кўра “арабчиликка” мансублигини акс эттирувчи энг асосий хусусият деб билишади. Аммо, улар орасида “лингвистик-маданий” жиҳат этник мансубликка нисбатан янада муҳимроқ ҳисобланади. Шу аснода, “араб кўпчилиги” араб дунёсининг 86 фоизини ташкил қилади.

Араб дунёсидаги асосий этник гуруҳлар маданий-лингвистик, диний, конфессионал (сектант) ва этник тегишлилигига қараб бўлинади. Шу билан бирга панарабизм ғоялари асосида гомогенликка интилувчи Миср, Ливия, Ливан, Ироқ, Сурия, Судан, Жазоир, Марокаш ва Мавритания сингари бир нечта давлатларда ҳам этник гуруҳларнинг юқоридаги хусусиятларига кўра хилма-хилликни кузатишимиз мумкин.

Ушбу тўққизта мамлакатнинг деярли барчаси Араб дунёсининг вакиллари бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бирида ўзига хос маданий хилма-хиллик кузатилади. Мазкур давлатларнинг барчасида этник ҳамда конфессионал бўлинишлар мавжудлиги сабабли улар ўртасида зиддиятларнинг очик кўриниши кўп бора қайд этилган. Ушбу зиддиятлар ўз навбатида охириги ўн йилликда Судан, Ироқ, Ливан ҳамда Яман каби давлатларда ҳатто қуроли можароларга айланган. Оқибатда, минтақада бирдамлик ва ҳудудий яхлитлик жиддий хавф остида қолди¹.

Бундан ташқари, Туркия, Эрон, Исроил ва Кипр каби Яқин Шарқ давлатларида ҳам этник масала зиддиятлар туғдириб туради. Масалан, Жанубий Туркиядаги ҳукумат кўшинлари ҳамда Курдлар ишчи партияси вакиллари бўлган курд кўзғолончилари ўртасидаги 1994 йилнинг охириларидан бошланиб, 1995 йилгача давом этган қуроли можаро энг фожеали ҳолатлардан бири ҳисобланади. Бунда Курдлар ишчи партиясига қарши Туркия армияси ва ҳарбий ҳаво кўшинларининг 50 мингга яқин аскарлари “қидирув ва йўқотиш” компаниясини амалга ошириб, кўшни Ироқ ҳудудида ҳам “изидан қувиш” стратегиясини олиб борди². Ҳозирги кунгача давом этиб келаётган мазкур ҳолат Яқин Шарқдаги этник зиддиятларнинг жиддий кўриниши бўлиб, бу минтақанинг кейинги 20-30 йиллик даври учун долзарб бўлиб қолиши мумкин.

Турк-курдлар муаммоси ироқ-курд, эрон-курд ва нисбатан камроқ кўринишда сурия-курд муаммолари билан боғлиқлиги маълум. Ушбу муаммоларнинг келиб чиқиш илдизлари ва ривожланиш динамикаси бир хил: уларнинг деярли барчасида маҳаллий халқларнинг ва гуруҳларнинг хоҳишисиз уларни бўлиб юбориш орқали колониал лойиҳаларни амалда қўллаш ва кейинчалик янги ҳудудий давлатларни тузишга қаратилган ҳаракатлар мавжуд. Айнан этник ўзлиқни англаш минтақада охириги 50 йилда кўплаб муаммо ва баҳс-мунозарларни келтириб чиқармоқда.

Шундай қилиб, ижтимоий тенгсизликдан барча ҳукмдор бўлмаган гуруҳлар ва айниқса этник камчиликлар жиддий азият чека бошлади. Шу аснода, бир нечта араб давлатларида этник бўлиниш синфий бўлиниш билан жиддий тусга кира бошлади³. Синфий-этниқ норозиликлар комбинацияси очик ҳарбий можарога олиб келиши бошланди. Этниқ гуруҳларнинг синфий бўлиниши минтақа давлатлари учун янги хавф-хатарни келтириб чиқарди.

¹ SaasEddin Ibrahim Sects, Ethnicity and Minority Groups, op.cit, pp.225-90, pp.323-60, and pp.601-29.

² Турк-курдлар муаммосига оид қаранг: R.D.Macburin The political role of Minorities in the Middle East, New York: Praeger, 1979; ҳамда жанубий Туркия ва шимолий Ироқдаги ҳодисалар тўғрисида: Time, 24 April 1995, pp.50,51 ва Newsweek, 27 March 1995. – P.12.

³ Ibrahim S.E. Sects, Ethnicity and Minority Groups, op.cit. – PP. 735-740.

Хулоса қиладиган бўлсак, Яқин Шарқ минтақасидаги этник хилма-хиллик сиёсий тус олиб кетган. Этник жамоа давлатнинг ички сиёсий тизимини шакллантиришда ва минтақадаги сиёсий жараёнларда ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Айниқса, этник гуруҳларнинг диний гуруҳларга ажралиши янада хавфли ва таҳдидли бўлиб, минтақадаги террористик ва экстремистик ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик қилишга олиб келаётганлиги Яқин Шарқ давлатларини ташвишга солиб қўймоқда.

РЕЛИГИЯ И РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Д.Пирматов,
бакалавр, ТИУ,
Узбекистан

Резюме: Ушбу мақолада глобаллашув даврида диний бағрикенгликнинг аҳамияти, бу жараёнда тарбиянинг тутган ўрни таҳлил қилинган. Миллий сиёсатимиз принциплари асосида бағрикенгликнинг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган.

Resume: In the article analyzed importance of religious tolerance and bringing up in the period of globalization. Based on principles of national policy was examined law of tolerance.

Человек отличается от других живых существ тем, что мы называем человеческим духом, существенная часть которого – разум. Именно это позволило человечеству создать цивилизацию и достичь материального процветания. Между тем сами по себе такие достижения никогда не удовлетворяли человеческий дух, таинственная природа которого стремится к возвышенному.

Религии усовершенствовали способность людей добиваться наряду с социальным прогрессом и духовно-нравственных вершин гармонии. После обретения независимости в странах Центральной Азии роль религии в обществе значительно возросла, хотя в целом последнее время в мире наблюдается процесс секуляризации. Влияние религии охватывает многие сферы общественной жизни. Все больше молодых людей наряду с различными социальными институтами приходят к религии в поисках идеалов, духовно-нравственных ориентиров, ответов на насущные вопросы.

Сосуществование разных верований, культур в одном государстве при межконфессиональном и межэтническом понимании должно стать принципом толерантности и для граждан. Поэтому нельзя сбрасывать со счетов влияние религии на формирование и развитие цивилизации и общества [1]. В связи с этим Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов в своей работе подчеркнул следующее: «... религия, укрепляя веру людей, очищая и возвышая их, придавая им силы в преодолении жизненных испытаний, проблем и невзгод, способствовала, а порой являлась единственной формой сохранения и передачи из поколения в поколение общечеловеческих и духовных ценностей. Именно поэтому религия является надежной спутницей человека, частью его жизни» [2].

В истории нашего народа есть много примеров мирного сосуществования и сотрудничества представителей различных наций и религий, их толерантности, миролюбия, содружества. «Декларация принципов толерантности», принятая ЮНЕСКО в 1995 году так раскрывает понятие толерантности: «Толерантность означает уважение, принятие и правильное понимание богатого многообразия культур нашего мира, наших форм самовыражения и способов проявлений человеческой индивидуальности... Толерантность - это обязанность способствовать утверждению прав человека, плюрализма (в том числе культурного плюрализма), демократии и правопорядка... Проявление толерантности, которое созвучно уважению прав человека, не означает терпимого отношения к социальной несправедливости, отказа от своих или уступки чужим убеждениям.